

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига суғурта
хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш усуллари**

Ғаниева Нозима Алижон қизи

НамМТИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”

кафедраси ассистенти

nozimaganieva40@gmail.com

тел:90-219-61-27

АННОТАЦИЯ: Мақолада суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлганлиги ҳамда ривожланиш тенденцияларига тўхталиб ўтилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Суғурта бозори, суғурта мукофоти, суғурта қопламалари, суғурла брокерлари, суғурта актуарийлари, суғурта агенти.

АННОТАЦИЯ: В статье рассмотрено возникновение страховой деятельности как необходимого средства защиты интересов физических и юридических лиц, возмещения им возможных убытков вследствие возникновения рисков, а также тенденции развития.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: В статье рассмотрено возникновение страховой деятельности как необходимого средства защиты интересов физических и юридических лиц, возмещения им возможных убытков вследствие возникновения рисков, а также тенденции развития.

ANNATOTSIYA: The article focuses on the emergence of insurance activity as a necessary means of protecting the interests of individuals and legal entities, compensating them for possible losses due to the occurrence of risks, and the development trends.

KEY WORDS: *Insurance market, insurance premium, insurance coverage, insurance brokers, insurance actuaries, insurance agent.*

Кириш

Бозор муносабатлари такомиллашуви иқтисодий инфратузилманинг қарор топиши билан биргаликда кечадиган жараёнدير. Суғурта фаолияти иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида бир томондан ижтимоий кафолатни таъминласа, иккинчи томондан, шартномавий мажбурият ва тарифлар механизми орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизида иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимоясини ҳам ўз зиммасига олади.

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ҳамда ривожланди. Шундай англанган зарурат - аниқ суғурта манфаатлари негизида суғурта муносабатлари юзага келди.

Асосий қисм

Бир неча асрлик тарихга эга суғурта тизими бугунги кунда юртимизда ҳам анча ривожланаётган соҳа ҳисобланади. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривож топиши жараёнида турли рискларнинг юз бериши эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзида намоён бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилиқлар субъектларнинг суғурта фаолиятига, хусусан, рисклар трансферига бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартиради.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди. «Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади»¹. «Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар... суғурта тизимисиз самарали

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда

ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас»².

Шу ўринда, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да узлуксизликни таъминлаш имкониятини яратиш мақсадига йўналтирилган, мулкчилик шаклларига кўра, махсус қайта тақсимлаш муносабатлари тизими мавжудлиги иқтисодиёт субъектлари равнақига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда уларнинг мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда даромад олишлари каби манфаатлари юзага чиқади

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта фаолиятида талаб даражасидаги риск трансфери шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уни илмий асосда ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодиёт субъектларининг эркинликлари кенгайиб бораётган, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг янги турлари ўзлаштирилиши суғурта фаолиятида риск трансферининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда.

Мамлакатимизда босқичма - босқич бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодиёт субъектларининг юксак даражадаги иқтисодий мустақиллиги, эркинлиги даражаси ортиб бораётган жараёнда доимо рисклар мавжуд бўлиши кузатилади. Улар манфаатларига зарар келтириши мумкин бўлган ва доимий такрорланиб турадиган рискларни қайта тақсимлаш, яъни ўзига хос бўлган махсус хизмат билан суғурта шуғулланади. Шу сабабли, бугунги кунда мамлакатимиз президенти томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда, яъни уларни келажакда дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ҳимоялаш мақсадида бир қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Суғурта хизматлари бозорини янада

² ЗҚаранг: Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 16 февраль.

ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”³ 2024 йил 1-март куни мамлакатимиз президентининг ПҚ-208 -сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда: суғурта таваккалчилиги даражасига сезиларли таъсир кўрсатувчи ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларини актуар ҳисоб-китобларга асосан қайта кўриб чиқиб, уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилиши;

- манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда суғурта мукофотларини ҳисоблашни автоматлаштириш, суғурталовчини танлаш ҳуқуқи билан электрон шаклда шартномани мажбурий тузиш имкониятини яратиш орқали мажбурий суғурта шартномаларини тузиш жараёнлари соддалаштирилишини таъминлаш;

- икки ой муддатда суғурта қилдирувчиларни (жабрланувчиларни) мажбурий суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этиш бўйича қонун лойиҳасини киритиш масалалари белгилаб қўйилди.

«Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда, ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади»⁴.

2023 йил ҳолатига кўра Ўзбекистон суғурта бозорида 42 суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда

Суғурта компаниялари томонидан аҳоли ва тадбиркорларга куйидаги хизматлар кўрсатилмоқда:

³ “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 01.03.2024 йилдаги ПҚ-108-сон

⁴ Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p.1 b. 3.

- Транспорт воситаларини суғурталаш;
- Тиббий суғурта;
- Юкларни суғурталаш;
- Ипотека суғуртаси;
- Мол-мулкни суғурталаш ва бошқалар.

Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъи назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Таъкидлаш лозимки, суғурта муносабатлари - мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳимдир.

Суғурта ташкилотларининг жами мукофотлари 2023 йилда 29 фоизга ўсди ва 8,1 трлн сўмга етди. Шунга қарамасдан, ҳаётни ихтиёрий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари камайиши таъсирида жами суғурта мукофотларининг 2023 йилдаги йиллик ўсиш суръати 2022 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 38 фоиз бандга пасайди. Умумий суғурта тармоғидаги ихтиёрий суғурта бўйича суғурта мукофотлари қатта улушга эга бўлди ва 7,1 трлн сўмда шаклланди. Шунингдек, умумий суғурта мукофотларининг 1,9 трлн сўми қайта суғурталаш учун тўловлар ҳиссасига тўғри келди.

| | | | |
|---|----------|----------|--------|
| Суғурта ташкилотлари сони | 42 | 41 | -2,4% |
| шу жумладан ҳаёт суғуртаси бўйича | 8 | 8 | 0% |
| Суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали (млн. сўмда) | 1 784622 | 2 124918 | +19,1% |
| Суғурта брокерлари сони | 6 | 7 | +16,7% |
| Актуарийлар сони | 5 | 5 | 0% |
| Суғурта агентлари сони | 8 788 | 5 207 | -40,7% |

| | | | |
|--|-------|-------|------------|
| шу жумладан юридик шахслар | 2 485 | 1 655 | - 33,4% |
| Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкilotларининг сони | 25 | 25 | 0% |

Ўзбекистон суғурта бозорининг тузилиши (млн.сўмда) 1-жадвал

**Суғурта ташкilotларининг чораклик суғурта тўловлари
ва мукофотлари, (трлн сўм) 1-график**



Манба: Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, суғурта ташкilotларининг тўловлари камайиш тенденциясига эга бўлди. Ҳаётни ихтиёрий суғурта қилишдаги суғурта тўловларининг кескин камайиши натижасида 2023 йилда жами суғурта тўловлари 22 фоизга пасайди ва 2 трлн сўмни ташкил этди. Суғурта тўловлари асосан умумий суғурта тармоғидаги ихтиёрий суғурта шаклига тўғри келган ва жами суғурта тўловларининг 66 фоизини ташкил этган.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги кўрсаткичлардан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон суғурта бозори кун сайин ўсиб келмоқда. Шундай бўлсада, мамлакатимиз аҳолисининг ҳаммасида ҳам суғуртага бўлган ишонч ва тушунча тўлиқ шаклланмаган. Бунга сабаб суғурта фаолияти ҳақидаги маълумотлар Республикаимизнинг аксарият жойларига бормаётганлиги ва ривожланмаганидир. Бу эса суғурта фаолиятининг ривожланиши ЯИМ даги улушининг ўсишига ҳамда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ошишига салбий таъсир кўрсатади.

- суғурта компаниялари бозордаги истеъмолчилар айнан қайси суғурта маҳсулотига талаб юқорилигини аниқлаш ва шунга қараб бозорга инновацион маҳсулотлар чиқариш;

- суғурта бўйича маълумотларни олишни енгиллаштириш ва интернет-рекламанинг кўп қирралилиги орқали мижознинг молиявий саводхонлигини ошириш ;

- мижозларга қулайлик яратиш, мисол учун мижоз исталган жойидан, исталган вақтда суғурта полисларига тўловлар амалга ошириши учун “Click insurance” вертуал тўловини кенг йўлга қўйиш. Ҳозирги вақтда бу хизмат турини фақат “Узагросуғурта” АЖ суғурта компанияси амалга оширмоқда. Бу хизмат турини барча суғурта компаниялари жорий этиши компанияларга ижобий натижа беради, мижозларга эса қулайликлар яратади.

- суғурта полисларини сотишда брокерлар иштироки етарли эмас. Агентлар ва тўғридан-тўғри тарқатиш асосий сотув канали ҳисобланади. 2019-2021 йилларда жами суғурта полисларининг 94 фоизи ушбу каналлар орқали сотилган. Интернет имкониятларининг ривожланиши натижасида суғурта полисларини интернет орқали сотиш ривожланаяпти. 2019-йилда суғурта полисларининг 3 фоизи интернет орқали сотилган бўлса, 2021-йилда бу кўрсаткич 7 фоизгача ошди.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 23.11.2021 йилдаги ЎРҚ-730-сон
2. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 16 февраль.
3. “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чоратadbирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 01.03.2024 йилдаги ПҚ-108-сон
4. Баратова Динара Алишеровна –“Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари ва аҳолига хизмат кўрсатишдаги ўрни”; “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил
5. Х.М.ШЕННАЕВ, И.К.ОЧИЛОВ С.Э.ШИРИНОВ, И.Ғ.КЕНЖАЕВ-“СУҒУРТА ИШИ “ -ўқув қўлланма,Тошкент “Иқтисод-молия” 2013
6. Ганиева Н. А. и др. Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарига банк хизмати кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 675-679.
7. Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p.1 b. 3.
8. <http://www.ziyonet.uz>.
9. <https://namstat.uz/uz/> маълумотлари.